



**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Тошкент вилояти божхона  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари,  
божхона хизмати подполковниги  
  
“ 22 ” 11 / 2022 йил М.Баракаев

## ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФЛАРНИ ТАНЛАШ БЎЙИЧА Х У Ж Ж А Т Л А Р

Тошкент вилояти божхона бошқармасига тегишли Бекобод шаҳар  
13-даҳада жойлашган 48 та хонадондан иборат бўлган хизмат уйининг  
иситиш тизимини жорий таъмирлаш ва ҳар бир хонадонга алоҳида  
иситиш қозонларини ўрнатиш бўйича

**Буюртмачи:** Тошкент вилояти божхона бошқармаси

**Комиссия аъзолари:**

Моддий-техника таъминоти  
бўлими бошлиғи



Ж.Қурбонов

Молия-иқтисодиёт бўлими  
бошлиғи



Б.Жаҳонгиров

АКТ ва киберхавфсизликни  
таъминлаш бўлими бошлиғи



И.Мусабеков

Моддий-техника таъминоти  
бўлими инспектори



Ж.Раҳматиллаев

**Комиссияси котиби:**

Молия-иқтисодиёт бўлими  
Бош инспектори



М.Миркамолов

Нурафшон 2022 йил

## МАЗМУНИ:

1. Умумий позиция ва нарх қисми.
2. Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчилари.
3. Танлов иштирокчилари.
4. Танловда иштирок этиш учун иштирокчи томонидан омонат қўйиш тартиби, миқдори ва шакли.
5. Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун иштирокчиларни саралаш.
6. Пудрадчига қўйиладиган талаблар
7. Танлаш тили, ўлчов бирлиги.
8. Энг яхши таклифларни танлашда таклиф ва уни амалга ошириш тартиби

## I. ТАНЛАШ ИШТРОКЧИСИ УЧУН КЎРСАТМАЛАР

|          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
|----------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>1</b> | <b>Умумий позиция ва нарх қисми.</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |
| 1.1      | Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 2022 йил 20 майдаги 276-сон қарори талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган.                                                                                                                                             |
| 1.2      | <b><u>Энг яхши таклифларни танлаш бўйича эълон матни:</u></b><br>Тошкент вилояти божхона бошқармасига тегишли Бекобод шаҳар 13-даҳада жойлашган 48 та хонадондан иборат бўлган хизмат уйининг иситиш тизимини жорий таъмирлаш ва ҳар бир хонадонга алоҳида иситиш қозонларини ўрнатиб, ишга тушириш.                                                                                                                                   |
| 1.3      | Энг яхши таклифларни танлаш бўйича чегаравий қиймати сўмда: 1 107 276 689 (бир миллиард бир юз етти миллион икки юз етмиш олти минг олти юз саксон тўққиз) сўм, Танлов таклифида кўрсатилган нархлар максимал қийматдан ошмаслиги керак.                                                                                                                                                                                               |
| 1.4      | Хизматлар учун лойиҳа смета ҳужжатлари ва техник топшириқлар энг яхши таклифларни танлаш учун электрон шаклда тақдим этилади.                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 1.5      | Комиссия мажлисининг шакли- электрон шаклда.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
| <b>2</b> | <b><u>Энг яхши таклифларни танлаш ташкилотчилари</u></b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| 2.1      | Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бўйича бошқармаси.<br>111500, Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси 63. тел.: (0370) 202-86-00, (0370) 202-86-10 электрон почта манзил: <a href="mailto:toshkent_viloyati@customs.uz">toshkent_viloyati@customs.uz</a><br>e-xat: <a href="mailto:tashobl_customs@exat.uz">tashobl_customs@exat.uz</a>                                                                |
| 2.2      | Шартнома эгаси: Тошкент вилояти божхона бошқармаси                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
| <b>3</b> | <b><u>Танлов иштирокчилари</u></b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
| 3.1      | Энг яхши таклифларни танлашда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари, иштирок этиши мумкин. Танловда ҳам хорижий юридик шахслар (Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари), ҳам маҳаллий юридик шахслар (Ўзбекистон Республикаси резидентлари) иштирок этишлари мумкин.                                                                                                     |
| <b>4</b> | <b><u>Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун иштирокчи томонидан омонат қўйиш тартиби, миқдори ва шакли.</u></b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 4.1      | Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун иштирокчи:<br>а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган барча ҳужжатларнинг электрон шаклини олиш (юклаб олиш). Шу билан бирга, электрон почтада иштирокчининг исми-шарифи, танлов мавзуси, шунингдек, иштирокчининг манзили ва банк реквизитлари бўлиши керак;<br>б) ушбу ИТБ талабларига мувофиқ малакавий ҳужжатлар ва таклифларни тақдим этиш; |

|          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
|----------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| <b>5</b> | <b>Энг яхши таклифларни танлашда иштирок этиш учун иштирокчиларни саралаш</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                       |
| 5.1      | Энг яхши таклифларни малакавий саралаш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати электрон шаклда тақдим этилади. Барча малакавий ҳужжатлар иштирокчилар томонидан тақдим этилиши керак.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                   |
| 5.2      | Мижоз иштирокчини процедураларда иштирок этишдан четлатади, агар: Иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита буюртмачининг ёки бошқа давлат органининг амалдаги ёки собиқ ходими ёки ходимига комиссияга таъсир қилиш мақсадида ҳар қандай шаклда мукофот, иш таклифи ёки бошқа қимматбаҳо нарса ёки хизматни таклиф қилган тақдирда. Давлат харидлари жараёнида буюртмачининг ҳар қандай ҳаракатлари, қарор қабул қилиш ёки танлов/тендер ўтказиш тартибини қўллаш; Иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолатсиз рақобат устунлигига ёки манфаатлар тўқнашувига эга бўлса. |
| <b>6</b> | <b>Пудрадчига қўйиладиган талаблар</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 6.1      | Қурилиш объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштиради ва буюртмачига топширади шунингдек, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспорти ҳамда бошқа ҳужжатларни тақдим этади.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |
| 6.2      | Қурилиш объектда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ қурилиш - монтаж ишларини амалга оширади.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                           |
| 6.3      | Қурилиш-монтаж ишлари бошланган кундан томонлар ўртасида ишларни бажариш жадвалини тақдим этади.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                    |
| 6.4      | Қурилиш объектда техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| 6.5      | Қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хавфсизлигини таъминлайди.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 6.6      | Объект фойдаланишга топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланишига тўлиқ жавобгар бўлади.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                  |
| 6.7      | Пудрадчи билан шартнома имзолангандан сўнг 2022 йил 25 декабрь кунига қадар лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ объектда иситиш қозонларини ўрнатиш ва ишга туширишни тўлиқ таъминлайди.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                              |
| 6.8      | Объект фойдаланишга топширилгандан сўнг, ҳар бир хонадон эгасига ундан амалда тўғри фойдаланиш бўйича йўриқнома ўтказди.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                            |
| 6.9      | Объектдаги барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва имзоланадиган шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                          |
| 6.10     | Лойиҳа-смета ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари ҳамда техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришини таъминлайди.                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                         |
| 6.11     | Объектда қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини таъминлайди.                                                                                                                                                                                                                                                                                               |



|          |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |
|----------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| 6.12     | Объектда топширилгандан сўнг белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этади.                                                                                                                                                                                                    |
| 6.13     | Объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.                                                                                                                                                                                                                                                                    |
| 6.14     | Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар тўла таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб <b>12 ой</b> этиб белгилайди.                                                                                                         |
| 6.15     | Агар объектдан фойдаланишнинг кафолат муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига қадар узайтирилади вануқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилишини таъминлайди.                                                           |
| 6.16     | Объектнинг шартномавий қийматининг 5% гача миқдоридаги маблағлар Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилиниб, шартномада белгиланган кафолат муддати (12 ой) тамом бўлгандан кейин ишлар кафолат суммаси сифатида ушлаб турилган 5% қийматининг тўлаб берилишига розилик беради. |
| <b>7</b> | <b>Танлаш тили, ўлчов бирлиги.</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                     |
| 7.1      | Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган таклиф ва барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак.                                                                                                                                                                                                                                              |
| <b>8</b> | <b>Энг яхши таклифларни танлашда таклиф ва уни амалга ошириш тартиби</b>                                                                                                                                                                                                                                                                                                               |
| 8.1      | Таклиф эълонда кўрсатилган тартибда эълонда белгиланган тартибда тақдим этилади, унда зарур тижорат таклифларининг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.                                                                                                                                                                                                                    |
| 8.2      | Энг яхши таклифларни танлаш <a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> Ўзбекистон Республикаси товар-хомашё биржасида эълон қилинган лот бўйича электрон шаклда узатилади.                                                                                                                                                                                          |
| 8.3      | Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси:<br>Тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгардир.                                                                                                                                                                                                                                                   |